



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 12 (14)
2025**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 12-son 2025 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

12

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2025

MUNDARIJA

Юлдашев Ш.Г. Редкоземельные металлы в новой геоэкономике: глобальные стратегии и приоритеты развития республики Узбекистан.....	7
Tursunov A.M. Совершенствование экономических механизмов функционирования отрасли.	18
Umurzakova Z.S. Sanoat korxonalarida reklama faoliyati samaradorligini aniqlashning uslubiy jihatlari.....	21
Axunov M.A. Korxonalarda raqobatbardoshlikni baholash uchun tanlangan omillar.....	24
Исраилова Д.К. “Аёллар дафтари” маҳаллабай тизими - аёллар бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш омили сифатида.....	28
Шокирова Г.М. Критерии разделения целевой аудитории в сфере цифрового маркетинга.....	33
Vaxtohonova D.N. Bank omonatlari bo‘yicha marketing strategiyalari va ularning real daromadlikka ta’siri.....	36
Xasanova X.F. Investitsilar hisobiga asoslangan xolatda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari tashkil etish tartibi.....	41
Бегимова Д.К. Разработка отраслевых стратегий в Узбекистане.....	45
Mirzayev B.S. CBDC joriy etilishining moliyaviy barqarorlikka ta’siri: imkoniyatlar va xatarlar....	50
Mirzarahimova A.A. Raqamli texnologiyalar asosida sanoat korxonalarida samaradorlikni oshirish yo‘nalishlari.....	53
Азимов О.Т. Ҳалол молиялаштириш инструменти сифатида мурабаха: анъанавий кредит билан қиёсий таҳлил.....	56
Халмирзаев А.А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	62
Шоабдурахимова М.М. Повышение производственной эффективности на предприятиях электронной промышленности на примере Artel Electronics (Узбекистан).....	68
Xolmuratov O.T. Futbol maktablarimiz rivojlanishida xorij mamlakatlari menejmenti va marketingi tajribasi.....	72
Yarashev M.O., Nabieva S.A. Aksiyadorlik jamiyatlarini asosiy va moliyaviy faoliyati samaradorligini oshirish yo‘llari.....	76
Кабилова К. Тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш амалиётининг бугунги ҳолати таҳлили.....	80
Махмудова С. Бюджет соҳасини коррупциядан ҳимоя қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий чоралари.....	85
Захидова Ш.Ш. Университет барқарорлигини таъминлашда унинг фаолиятини халқаро стандартларга мос келадиган тартибда такомиллаштириш.....	89
Saidaxmedov N.X. Raqamli texnologiyalar asosida engil sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirish mexanizmlari.....	97
Усманова С.С. Влияние государственной поддержки и регулирование на развитие инноваций на промышленных предприятиях.....	100
Madrahimov U.A. Iqtisodiy o‘shish va kapitaldan samarali foydalanishni optimallashtirish yo‘nalishlari.....	104
Джалилов Д.А. Капиталнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини баҳолаш.....	108
Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность как медиатор трансформационного экономического роста: теоретические основы.....	111
Mahmudov Sh.N. Location and development of industrial sectors in the regions.....	115
Ustadjalilov D.R. O‘zbekistonda klasterlarni rivojlantirishning institutsional asoslari transformatsiyasi: direktiv modeldan bozor tamoyillariga.....	119
Гайбуллаев Ф. Олий таълимда коррупцияга ўрин бўлмаслиги керак!.....	125
Abdurazakova F.D., Normurodov X.E. Aholi moliyaviy savodxonligi va moliyaviy madaniyati o‘rtasidagi oshirish imkoniyatlarini baholash.....	129
Muxtarov M.M. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi asosida sanoat klasterlarini shakllantirish modellari: O‘zbekiston uchun istiqbollar.....	136
Ro‘zmatov B.Z., Shodiyeva N.H. Turistik infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha xalqaro tajriba va uning taqqoslovchi tahlili.....	140

Rahmatova N.A., Mustafayeva H. O‘zbekistonda pensiya ta‘minoti tizimining muammolari va hal etish yo‘llari.....	147
Ахмедов Х. Тинчлик ва хавфсизлик — барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик гарови.	154
Boboyev A.Ch. Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni barqaror rivojlantirish yo‘nalishlari.....	159
Исраилов З.А. Яшил иқтисодиёт технологиялари: халқаро тажриба ва қиёсий таҳлил.....	165
Ikromov A.Sh. Mahalliy korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotining o‘ziga xos xususiyatlari.....	169
Ҳалмирзаев А.А., Қодиров Б.Ш. Ёшлар бандлигини таъминлашнинг хорижий тажрибалари.....	175
Elmurodov Sh.Sh. A framework for integrating fiscal risks into the assessment of regional financial security.....	183
Axmadjonov S.S. Tadbirkorlik va biznesni qo‘llab – quvvatlashni baholash mezonlari.....	188
Sabirova Z.U. Sanoat va sanoat korxonalarining raqamli transformatsiyasi jarayonlarini tahlil qilishga uslubiy yondashuv.....	192
Pardayev T.N., Alimuxamedov Sh.R. Chetdan olib kelinayotgan tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashni takomillashtirishning ayrim masalalari.....	197
Кадыров А., Исхаков А.К., Турсунова Н.Х. Реализация механизма стратегического управления акционерного общества «Узавтосаноат» на основе прогнозирования его развития.....	203
Zoxidov T.M. Moliyaviy hisobotni buxgalteriya hisobining milliy standartlaridan (BHMS) moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) o‘tkazishning muammolari va yechimlari.....	211
Nabiyeva N.M. Turizm xizmatlari bozorida hududiy destinatsiyalar samaradorligini o‘rganish.....	216
Sharofiddinov Sh.U. Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarda mhxs asosida tuzilgan moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotni axborot manbai sifatidagi afzalliklari.....	221
Nurmatov Z.Sh. O‘zbekiston respublikasida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarini (MHXS) joriy etishning iqtisodiy ahamiyati va amaliy dolzarbligi.....	225
Содиқов А.М., Зокиров С.С. Саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг янги стратегияси.....	230
Narmanov U., Ikromova S. Fond bozorlariga xorijiy investorlarni jalb qilishni rag‘batlantirish yo‘nalishlari.....	238
Qutbiddinov A.B. Samarali faoliyat imkoniyatlarini amalga oshirishda boshqaruv xodimlari qobiliyatlaridan foydalanish darajasi va uni oshirish imkoniyatlari.....	241
Qayumova Sh.S. Mahalliy xomashyo bazasiga ega sanoat korxonalarida investitsiya samaradorligini belgilovchi omillar va ularni oshirishning vertikal integratsiya asosidagi optimallashtirilgan modeli.....	246
Turebekov A.A. Ishlab chiqarish xarajatlarining iqtisodiy sifatining tahlili.....	252
Kurbanova M.N., Azizov A.A. Qadimgi klassik iqtisodiy maktablarning shakllanishi va ularning zamonaviy iqtisodiyot rivojlanishiga ta‘siri.....	255
Samadova G.S. O‘zbekiston iqtisodiyotida tarkibiy o‘zgarishlarning iqtisodiy o‘shishga ta‘siri.....	259
Абдуллаева Р. Инклюзив тadbirkorликнинг моҳияти ва хориж тажрибаси.....	264
To‘uchiyeva B.V. Oziq-ovqat sanoati korxonalarini barqarorligini ta‘minlashda strategik boshqarishning dolzarbligi.....	268
Amnah Saeed J Alhindi The role of financial resources in ensuring corporate financial stability.....	272
Fayziyev O.R. O‘zbekistonda baliqchilik klasterlarini moliyalashtirishning hududiy va tarmoq xususiyatlari.....	276
Алимов Р.А., Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность и искусственный интеллект: многоуровневая модель и фигура нового интеллектуала.....	280
Teshayev Z.J., Muxitdnov Sh.X. Logistika xizmat ko‘rsatish korxonalarini resurslaridan foydalanishning hududiy iqtisodiy rivojlanishiga ta‘siri.....	284
Xaydarov X.U., Raxmonov D.R. 1907-yilgi moliyaviy inqiroz: sabablari, kechishi va jahon moliya tizimiga ta‘siri.....	288
Солижонов М.А. Ўзбекистон монетар сиёсатининг савдо балансига таъсирини баҳолаш....	292
Rejarov X.X. Davlat xarajatlarining samaradorligini baholash mexanizmlari.....	297

3. Ўзбекистон Республикасининг ”Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни/ Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т., 2017.
4. Қаранг: Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза Ахборот таҳлилий маълумот. //Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2024.-13-б; Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза Ахборот таҳлилий маълумот. //Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2025.-11-б:
5. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2304138
6. Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. <https://www.president.uz/uz/lists/view/7924>

УДК: 338.465

**УНИВЕРСИТЕТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС КЕЛАДИГАН ТАРТИБДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**ОБЕСПЕЧЕНИЯ СТАБИЛЬНОСТИ УНИВЕРСИТЕТА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ
ЕГО ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СООТВЕТСТВИИ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ
СТАНДАРТАМИ.**

**ENSURING THE STABILITY OF THE UNIVERSITY AND IMPROVING ITS
ACTIVITIES IN ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS.**

Захидова Ш.Ш. ЎзМУ доценти, DSc.

Аннотация

Ушбу мақолада университет эришаётган натижалар барқарорлигини таъминлашда халқаро стандартларга мос келадиган тартибда унинг фаолиятини такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва мақсадга эришишда университетда аввало замонавий таълим технологиялари ва йўналишларини жорий этиш қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рейтинг, баҳолаш, халқаро стандарт, гибрид таълим, университет, замонавий таълим, олий таълим муассасалари.

В данной статье разработаны предложения и рекомендации, направленные на разработку стратегии совершенствования деятельности университета с целью обеспечения стабильности результатов, достигаемых университетом в соответствии с международными стандартами, а также внедрения современных образовательных технологий и тенденций в университете для достижения поставленной цели.

Ключевые слова: рейтинг, оценка, международный стандарт, гибридное образование, университет, современное образование, высшие учебные заведения.

This article presents proposals and recommendations aimed at developing a strategy for improving the university's operations to ensure the stability of its results in line with international standards, as well as the implementation of modern educational technologies and trends at the university to achieve this goal.


Keywords: ranking, assessment, international standard, hybrid education, university, modern education, higher education institutions.

Таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда ЎзМУ халқаро “QS – World University Rankings” рейтинг баҳолаш тизимида ижобий натижаларга эришиб келмоқда. Кейинги йилларда ушбу соҳада университет эришаётган натижалар барқарорлигини таъминлашда халқаро стандартларга мос келадиган тартибда унинг фаолиятини такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади. Ушбу мақсадга эришишда университетда аввало замонавий таълим технологиялари ва йўналишларини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларида бўлгани сингари ЎзМУда ҳам “Blended form” – гибрид таълим шаклини жорий этиш керак бўлади. Таълим жараёнларини ташкил этишнинг “Blended form” – гибрид шаклида масофавий таълимнинг ютуқларидан кундузги ва сиртки таълим шаклларида кенг фойдаланиш амалиётига ўтиш керак бўлади. Ушбу мақсадга эришишда университет контингентида босқичма босқич масофавий таълим шаклини ошириш чораларини кўриш талаб этилади.

Университетларнинг халқаро рейтинг кўрсаткичларини ошириш ва олий таълим хизматлари сифатини яхшилашнинг методологик муаммолари, жумладан, олий таълим хизматларини ўрни, аҳамияти, таълим хизматлари экспорти ва малакали кадрларни тайёрлашда иш берувчилар томонидан қўйиладиган малака талаблари, кўникмалари ва малакали мутахассисларга бўлган талабни прогностлаштириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида, жумладан, Princeton University (АҚШ), Edge Hill University (Буюк Британия), Tongji University (Хитой Халқ Республикаси), Monash University (Нидерландия), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), Умумжаҳон банки, Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Россия Олий иқтисодиёт мактаби, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ва бошқа олий ўқув юртлари томонидан амалга оширилмоқда. [1]

Мақолада тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, қиёсий таққослаш ва гуруҳлаш усуллари қўлланилган.

ЎзМУда “Blended form” – гибрид таълим шаклига ўтишда талабалар контингентига кўрсаткичларининг ривожланиш тенденциялариг мос равишда масофавий таълимни жорий этиш бўйича чораларни кўриш талаб этилади. Жумладан, 2025 йилга қадар бўлган муддатда университетда масофавий таълим шаклини 2023 йилга нисбатан 2,0 мартага, 2027 йилга бориб эса 5,0 мартага ошириш керак бўлади.



1-расм. ЎзМУда “Blended form” – гибрид таълим шаклига ўтишда талабалар контингенти таркибий ўзгаришлари [2]

“Blended form” – гибрид таълим шаклидаги “Кундузги + Масофавий” йўналишлардаги масофавий таълимнинг улушини 2027 йилга бориб 20,0 фоизга, “Сиртки + Масофавий” йўналишларда эса 50,0 фоизга етказиш керак бўлади. “Blended form” – гибрид таълим шаклининг “Кундузги + Масофавий” йўналишларида талабаларга танлов фанларини, “Сиртки + Масофавий” йўналишларда эса ўтиладиган маъруза машғулотларини тўлиқ масофавий шаклга ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, “Blended form” – гибрид таълим шаклини ташкил этишда масофавий таълимнинг ижобий жиҳатларидан фойдланишда олий таълим муассасаларида илм-фан-ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион муносабатларни таълим-ишлаб чиқариш вектори бўйича ривожланишини таъминлашда амалий ихтисослашувли таълим траекториясини жорий қилиш имкониятлари кенгайди. Бунда амалий ихтисослашувли таълимни ривожлантириш йўналишлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

- бакалавриат таълим босқичида “2+2” схемаси бўйича 3 курсдан бошлаб амалий соҳага ихтисослашувни кучайтириш керак бўлади;

- “Soft Skills” талабаларда қўшимча касбий компетенцияларни, жумладан, танқидий фикрлаш, жамоада ишлаш, мустақил билим эгаллаш, лидерлик сифатини шакллантириш кабиларни ривожлантириш;

- “Double Skills” – сертификатли ёки ўрта махсус дипломли қўшимча касбий квалификация бериш амалиётини жорий этиш;

- магистратура таълим босқичида амалиётга ва илмий, педагогик фаолиятга йўналтирилган икки траекторияли таълим дастурларини жорий этиш керак бўлади. Амалиётга йўналтирилган магистратура босқичининг давомийлиги “48+1М” шаклида, илмий, педагогик йўналишнинг давомийлиги эса “48+2М” шаклида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан биргаликда, университетда миллий иқтисодиётнинг реал секторининг мавжуд олий таълим муассасаларида ишчи кучига бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, талаб юқори бўлган янги биоинформатика, биофармакология, рақамли лингвистика, ижтимоий конфликтлар медиатори, астрофизика, ядро физикси касб йўналишларини очиш ва улар таркибий тузилишини ҳар йили 10 фоиздан янгилаб бориш керак бўлади. Бу орқали университет келажак ксблари бўйича мамлакат меҳнат бозорига кадрлар тайёрлашда етакчиликка эришиш билан биргаликда, маҳаллий иш берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришнинг янги босқичига ўтишга эришади.

Шу билан биргаликда, ЎзМУ да илм-фан-ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион муносабатларни ривожлантиришда таълимнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ҳам ишлаб чиқиш керак бўлади. Бунда ўқув жараёнларини ташкил қилишда “Project Learning” лойиҳавий тизимига ўтиш керак бўлади. Бунда 2024-2027 йилларда ўқув режаларини оптималлаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- таълим дастурларини босқичма-босқич мустақил билим олишга, реал амалий масалалар ечишга, таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш бўйича касбий компетенцияларни ривожлантириш, “STEAM” технологияларини амалиётга жорий этилишини рағбатлантириш;

- ўқув жараёнлари таркибини “Project Learning” лойиҳавий таълимига ўтказиб боришда маъруза машғулотлари салмоғини жаҳоннинг етакчи университетлари сингари 20-30 фоизга қисқартириш, жумладан, курс иши лойиҳаси, интерактив машғулотлар салмоғини эса 50 фоиздан ошириш керак бўлади;

- амалий ихтисослашув траекторияларини “Soft Skills” асосида қўшма компетенцияли таълим йўналишларини кенг жорий қилиш;

- “Double Skills” асосида биофизика, биокимё, биотехнология каби фанлараро тайёрловни кенг жорий этиш;

- рақамли технологиялардан лаборатория ишларини виртуал қисмини “VR” ва “AR” орқали тўлдириш ва ҳ.к.



2-расм. ЎзМУда педагог ва ҳодимлар контингентини ривожлантириш параметрлари, бирликда [3]

Шу билан биргаликда, халқаро стандартлар асосида университетда илм-фан-ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион муносабатларни таъминлашда педагог ва ҳодимлар контингентини ҳам такомиллаштириш керак бўлади. Бунда 2027 йилга қадар бўлган муддтда профессор-ўқитувчилар сонини 2023 йилга нисбатан 8,2 фоизга, ўқув-ёрдамчиларни 16,0 фоизга, техник ва хизмат кўрсатувчиларни эса 9,0 фоизга ошириш керак бўлади. Ўқув жараёнларини ташкил этишга жалб қилинаётган етакчи хорижий профессор ўқитувчилар салмоғини эса 2023-2027 йилларда 80,0 фоиздан ортиқ ошириш керак бўлади.

1-жадвал

ЎзМУда инглиз тилида ўқитиладиган гуруҳ, йўналиш ва мутахассисликлар сонини оширишнинг мақсадли параметрлари [4]

	2022 й	2023 й	2027 й
Гуруҳлар сони	34	45	72
Йўналишлар сони	20	25	32
Мутахассисликлар сони	5	8	20

Университетга хорижий профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш амалиётини кенгайтиришда инглиз тилида ўқитиладиган гуруҳ, йўналиш ва мутахассисликлар сонини кўпайтириш керак бўлади. Юқорида келтириб ўтилган хорижий профессор-ўқитувчиларни университетга жалб қилиш бўйича мақсадли параметрларга мос равишда инглиз тилида ўқитиладиган гуруҳ, йўналиш ва мутахассисликлар сонини 2023-2027 йилларда қуйидаги тартибда ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- инглиз тилида ўқитилдиган гуруҳлар сонини 60,0 фоизга ошириб, 72 тага етказиш;
- инглиз тилида ўқитилдиган йўналишлар сонини 28,0 фоизга ошириб, 32 тага етказиш;
- магистратура босқичига қабул қилиш тартибига хорижий тил, жумладан, инглиз тили бўйича сертификатга эга бўлиш талаби қўйилганлигини инобатга олган ҳолда, инглиз тилида ўқитиладиган мутахассисликлар сонини 2,5 мартага ошириб, 20 тага етказиш керак бўлади.


Университетнинг юқори салоҳиятини инобатга олган ҳолда, кафедралараро илмий лабораторияларни очишда илмий мактаблар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ушбу мақсадга эришишда университетдаги мавжуд ўқув-илмий лабораторияларни моддий-техник базасини 2-жадвалда келтирилган тартибда модернизациялаш талаб этилади.

2-жадвал

ЎзМУда ўқув-илмий лабораторияларни модернизациялашнинг мақсадли параметрлари, фоизда [5]

Факультетлар	2023 й			2025 й			2027 й		
	Ўқув лаб. янгиланиш даражаси	Илмий лаб. янгиланиш даражаси	Виртуал лаб. тўлдириш даражаси	Ўқув лаб. янгиланиш даражаси	Илмий лаб. янгиланиш даражаси	Виртуал лаб. тўлдириш даражаси	Ўқув лаб. янгиланиш даражаси	Илмий лаб. янгиланиш даражаси	Виртуал лаб. тўлдириш даражаси
Физика	15	18	–	55	28	15	75	80	35
Биология	20	24	–	52	35	20	80	80	40
Кимё	22	24	–	58	34	27	80	80	50
Экология	25	27	–	61	36	15	80	75	40
Геология ва геоинформацион тизимлар	27	25	–	62	35	20	85	80	40
Гидрометеорология	24	22	–	59	30	17	85	80	40
Амалий математика ва интеллектуал технологиялар	25	20	–	60	32	30	85	80	50
География ва табиий ресурслар	18	15	–	56	30	23	80	75	40

Университетда ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда ўқув ва илмий лабораторияларни ташкил этишда 3-жадвалда келтириб ўтилган модернизациялаш коэффициентларини таъминланиши амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш имконини беради. Шу билн биргаликда, 2023-2027 йилларда замонавий моддий техник базага эга бўлган ўқув-илмий лабораторияларни ташкил этиш билан биргаликда, уларда амалга оширилаётган илмий тадқиқот натижаларини таълим жараёнларига жорий этиш самарадорлигини оширишда илмий мактаблар томонидан университет талабалари ва докторантларини амалга оширилаётган илмий лойиҳалардаги иштирокини ошириш керак бўлади. Университет илмий мактаблари томонидан амалга оширилаётган илмий лоҳйиларга талабаларни жалб этилиш кўрсаткичини проноз қилинаётган даврда 26,9 фоизга, докторантларнинг улушини эса 15,6 фоизга етказиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.




3-расм. ЎзМУда илмий тадқиқот ишларига талаба ва докторантларни жалб қилишнинг мақсадли параметрлари [6]

Университет илмий мактаблари томонидан талабалар ва докторантларни илмий тадқиқот ишларига кенг жалб қилиш орқали иқтидорли талабалар ва ёш олимларни аниқлаш имкониятига эришилади. Бу эса иқтидорли талаба ва ёш олимларни бизнес инкубация ва акселерация паркига кенг жалб қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун тегишли чораларни кўриш учун замин яратади. Бунда қуйидагиларга устуворлик қаратиш керак бўлади:

- мунтазам равишда иқтидорли талабалардан ташкил топган илмий-инновацион жамоани шакллантириш ва уларнинг илмий тадқиқот ишларидаги иштирокини, жумладан, мустақил равишда стартап лойиҳаларини ишлаб чиқишини рағбатлантириш;

- 2024-2027 йилларда иқтидорли талабалар ўртасида юқори салоҳиятга эга бўлган ёшларни ишлаб чиқарувчиларнинг етакчи мутахассислари ва университетнинг профессор-ўқитувчиларига “устоз-шогирд” тизими асосида бириктириш орқали ўзаро ҳамкорликда ёшлар билан ишлашнинг ягона тизимини босқичма-босқич университетнинг барча факультетларида жорий этиш ва уни мунтазам равишда ривожлантириш бориш.



4-расм. ЎзМУда “Scopus” базасига киритилган Q1 ва Q2 илмий журналларидаги мақолалар сонини ошириш ўйича прогноз кўрсаткичлар

Шунингдек, университетнинг халқаро даражада ном қозонишини таъминлашда профессор-ўқитувчилар томонидан халқаро тан олинган нуфузли илмий журналларда мақолалар нашр этишини қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Сўнги йилларда университет раҳбарияти томонидан “Scopus” базасига киритилган журналларда илмий мақолалар нашр этишни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларга устуворлик қаратилаётганлигини инобатга олган ҳолда, Q1 ва Q2 журналларда нашр қилинган мақолаларнинг ҳар бири учун профессор-ўқитувчиларни университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиявий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш керак бўлади.

Бунда Q1 ва Q2 журналларда нашр этилган ҳар бир мақола учун 2024-2027 йилларда молиявий рағбатлантириш миқдорини профессор-ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақига нисбатан 30 фоиздан 100 фоизгача бўлган миқдорга етказиш керак бўлади. Юқори даражадаги моддий рағбатлантириш механизми университет раҳбарияти томонидан “Scopus” базасига киритилган Q1 ва Q2 журналлардаги илмий нашрлар сонини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш имкониятини янада кенгайтиради ва 2027 йилга бориб илмий мақолалар сонини 1 000 тага етказиш имкониятига эришилади.

Фикримизча, юқорида билдириб ўтилган таклифларни амалиётга жорий этилиши асосида ЎзМУда бошқа маҳаллий олий таълим муассасаларига нисбатан илм-фан-ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион муносабатларни таъминлаш самарадорлиги юқори бўлишига эришилади. Жумладан, университетнинг халқаро даражадаги нуфузи ортиб, глобал олий таълим хизматлари бозоридаги рақобатбардошлик кўрсаткичи яхшиланади. Шу билан биргаликда, халқаро рейтинг кўрсаткичларидаги дунёнинг ТОП-500 университетлари каторидан ўрин олиш имкониятлари кенгайди.

“QS University Rankings” халқаро рейтинг базасида ЎзМУнинг ўрнини ошириш

	2023 й	2025 й	2026 й
Факультетлар иштирокини кенгайтириш (фан йўналишлари бўйича)	Математика, Физика, Замоनावий тиллар	Биология, Фалсафа, Сиёсат, Архнология	Психология, Тарих, Кимё, Иқтисод, География
Рейтингдаги етакчи факультетлар ўринлари (фан йўналишлари бўйича)	300+	200+	150+
Умумий университетнинг халқаро рейтингдаги ўрни	1000+	800+	600+

Сўнги йилларда мамлакатимизда маҳаллий олий таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, улар томонидан кўрсатилаётган олий таълим хизматлари сифатини ошириш орқали уларнинг халқаро даражада тан олинган нуфузли рейтинг ташкилотлари томонидан эълон қилинадиган баҳолаш тизимидаги ўринини яхшилашга қаратилган ислохотларга устуворлик қаратилаётганлигини инобатга олган ҳолда, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан эътироф этилган рейтинг кўрсаткичлари тизимида “ТОП-1 000” таликка кирган олий таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан озод қилишни таклиф этамиз. Бунда олий таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби бекор қилиниб, комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш тизими жорий этиш лозим бўлади.

Комплекс давлат аттестациясидан ўтказиш амалиёти Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тан олинган нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг амалдаги рўйхатида биринчи “ТОП-1 000” таликка киришга қаратилган чора-тадбирларни эндигина ўз амалиётида бошлаётган ёки янги ташкил этилган давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятида қўлланилиши талаб этилади. Бу орқали олий таълим муассасалари фаолиятини нуфузли халқаро рейтинг кўрсаткичларига интеграциялаш имкониятлари аниқланиб, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишлари бўйича тегишли чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш имконини беради.

Шу билан биргаликда, халқаро рейтинг кўрсаткичларига интеграция бўлган аммо “ТОП-1 000” таликка киришга улгурмаган олий таълим муассасалари учун махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш тизимини жорий этиш талаб этилади. Бу турдаги аккредитациялаш амалиёти халқаро рейтинг кўрсаткичига интеграция бўлиш жараёнида оқсаётган йўналишлар бўйича амалга оширилиши керак бўлади. Бу орқали олий таълим муассасалари фаолиятини халқаро рейтинг тизимидаги ўрнини оқсаётган соҳалари кесимида жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Фикримизча, кейинги йилларда мамлакатимиз олий таълим муассасаларинг нуфузли халқаро рейтинг тизимларидаги иштирокини кенгайтириш ва уларнинг ўрнини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқ:

- олий таълим муассасаларининг академик соҳадаги мустақиллигини таъминлаш;
- олий таълим муассасалари маркетинг бўлими фаолияти самарадорлигини ошириш.

Жумладан, битирувчиларни нуфузли корхоналар ва давлат ташкилотларида бандлигини таъминлаш бўйича мақсадли чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

- олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, талабаларни ўқитиш ва дарсларни ташкил этишда ИТ технологиялардан фойдаланган ҳолда инновацияларни жорий этилишини рағбатлантириш;

- олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг халқаро нуфузли базаларда индексацияланган хорижий илмий журналларда мақолалар нашр этишни рағбатлантириш. Жумладан, ушбу турдаги мақолаларни яқка муаллифликда нашр этилишини таъминлаш;

- илмий даражага эга бўлмаган иқтидорли, ёш ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот иши билан шуғулланишини рағбатлантириш. Жумладан, аксарият олий таълим муассасаларида ўқув юктамаларини тақсимлашда иқтидорли, ёш ўқитувчиларнинг аудитория соатлари нисбатан юқори бўлиши билан биргаликда, турли фанлардан ташкил топганлиги уларнинг илмий фаолият билан шуғулланиши учун вақт ажратишдаги муаммоларни келтириб чиқаради;

- олий таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида тузилган ҳамкорлик алоқалари доирасида битирувчиларнинг бандлигини таъминлашни рағбатлантириш. Жумладан, ҳамкор корхона ёки давлат ташкилоти базасида олий таълим муассасасининг етакчи профессор-ўқитувчилар томонидан илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш орқали илмни тижоратлаштиришнинг замонавий механизмини шакллантириш;

- олий таълим муассасаларининг ИТ инфратузилмасини такомиллаштириш, жумладан, он-лайн платформалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта муддатли истиқболда мамлакатимиз олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини ошириш билан биргаликда, уларнинг халқаро рейтинг кўрсаткичлари тизимидаги иштирокини кенгайтириш ва ўринларини мустаҳкамлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Paul Orsmond, Stephen Merry, Kevin Reiling. (2022) Interconnected learning between university and the workplace: a socio-cultural perspective of graduate employability in the UK. *Oxford Review of Education* 48:3, pages 303-319.
2. Daniela Olo, Leonida Correia, Maria da Conceição Rego. (2022) (Mis)match between higher education supply and labour market needs: evidence from Portugal. *Higher Education, Skills and Work-Based Learning* 12:3, pages 496-518.
3. OECD (2017), *In-Depth Analysis of the Labour Market Relevance and Outcomes of Higher Education Systems: Analytical Framework and Country Practices Report, Enhancing Higher Education System Performance*, OECD, Paris. 2017. 163 p. <https://www.oecd.org/education/skills-beyond-school/LMRO%20Report.pdf>.
4. *Education at a Glance 2019 OECD Indicators*. Retrieved December 25, 2019, from https://www.oecd-ilibrary.org/education/education-at-a-glance2019_f8d7880d-en.
5. Cheng, M., Adekola, O., Albia, J. and Cai, S. (2022), "Employability in higher education: a review of key stakeholders' perspectives", *Higher Education Evaluation and Development*, Vol. 16 No. 1, pp. 16-31. <https://doi.org/10.1108/HEED-03-2021-0025>.
6. Al-Awad, A. , Bazuhair, R. , Alhojaly, R. and Mossawa, M. (2020) The Compatibility of Higher Education Outcomes with the Requirements of the Labour Market in an Interior Design Programme in the Kingdom of Saudi Arabia. *Art and Design Review*, 8, 94-113. doi: 10.4236/adr.2020.82007.